

ИНСОН ҚАДРИГА ҚАРАТИЛГАН МАСАЛАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 апрель куни ички йўллари яхшилаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчатлар экиш, давлат хизматлари кўрсатишни содда-лаштириш масалалари ижроси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари бу учала вазифа ҳам инсон қадрини, халқ розилигини билан боғлиқ эканини таъкидлади.

Ҳақиқатан, ички йўллари аҳоли одамларини энг кўп қийнайдиган муаммо. Яқинда "Ташаббусли бюджет" портали орқали аҳолидан тушган 20 мингта таклиф ёки жами мурожаатларнинг 25 фоизи шу масалага оид бўлгани унинг долзарблигидан далолат беради.

Ички йўллари сифатини яхшилаш бўйича Андижон вилоятида янги тажриба бошланган. Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан кластер ташкил этилиб, 31 та чекка маҳалладаги 23 километр йўл цемент-бетон қопламага ўтказилган.

Асфальт ўрнига цементдан фойдаланиш орқали қурилишдан 600

миллион сўм иқтисод қилинган, 350 минг долларлик битум импорти учун маблағ тежалган. Энг асосийси, ушбу кластер ўзи қурган йўллари 10 йил давомида кафолатли сақлашни зиммасига олган.

Ушбу тажриба асосида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами 2 минг 300 километр цемент-бетон қопламали ички йўллари барпо этиш вазифаси кўйилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йил якуни билан маҳаллий цемент ишлаб чиқариш ҳажми 18 миллион тоннага етади. Бу билан ички эҳтиёжлар тўлиқ қопланади.

Йўл кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 1 майдан бошлаб йил якунига қадар цемент-бетон қопламали йўл қуриш техникалари импорти божхона божи ва утилизация йиғимидан озод қилинади.

Бундан ташқари, жорий йилда туман марказлари ва шаҳарларда 670 километр пиёда ва велосипед йўлақлари барпо этиш режалаштирилган. Уларни ҳам цемент-бетондан қуриш, лойиҳалашда дренаж тизимига алоҳида эътибор қара-

тиш зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, 2 февраль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳозирги баҳор мавсумида 125 миллион туп кўчат экиш режа қилинган эди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси ҳамда ҳокимликлар шу пайтгача бажарилган ишлар бўйича ҳисобот берди.

Ҳар бир маҳалла, таълим муассасалари, ариқлар ва йўл бўйлари-га дарахт кўчатлари ҳамда терак қаламчалари экилиши айtilди. 5 ёшдан кам бўлмаган мевали ва манзарали дарахтларни бир текисда ўстириш бўйича Тошкент шаҳрида бошланган тажрибани бошқа шаҳарларда ҳам жорий қилиш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида янги суғориш тизими ва қудуқ қазилари ишлари сифати ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi навбатдаги масала — давлат хизматлари кўрсатишни содда-лаштириш ва кўламини кенгайтиришга қаратил-

ди. Аҳолига қулайлиқни ошириш бўйича навбатдаги вазифалар белгиланди.

Хусусан, шу йил 1 июлдан бошлаб 38 турдаги давлат хизматлари учун электрон имзо билан тасдиқлаш талаби бекор қилиниб, мобил телефон орқали амалга оширилади. 6 турдаги лицензия олиш учун талаблар бекор қилинади. Аҳоли ва тадбиркорлар учун 8 дан ортиқ давлат хизмати бўйича электрон хабардор қилиш тизими жорий этилади. Аҳоли ва тадбиркорлардан коммунал ташкилотларнинг 32 турдаги ҳужжат ва маълумотномалари талаб қилинмайди. Эҳтиёжманд оилалар фарзандлари олий ўқув юр்தларига тест синовларида иштирок этиш тўловларидан озод этилади.

Умуман, келгуси йил якунига қадар марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сони ҳозирги 172 тадан 300 тага, мобил илова орқали 60 тадан 250 тага етказилиши белгиланди.

Худудларда давлат хизматлари марказлари қуриш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

ЎЗА

Асримизнинг глобал муаммолари қаторига янгидан-янги турлари билан тилга олинаётган кибержиноятчилик алақачон ҳаётимизга кириб келди. Унинг турли вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бузиб кириш, кредит карта ва бошқа банк реквизитларидаги маблағларни ўзлаштириш, талон-торож қилиш, шунингдек, интернет орқали қонунга зид ахборотлар, бўҳтон, маънавий бузуқ маълумотларни тарқатиш билан инсоният ҳаётига катта хавф солаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Моҳият

Мустақкам ҳуқуқий асос

янги қонун мамлакат кибермақонда киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди



Кибермақон — ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит деганидир. Ўзбекистонда киберхавфсизликни таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш зарурати ана шу кибермақондаги муаммо ва хатарлар, кибержиноятчилик, онлайн ҳужумларнинг кескин орти-

ши, дунёда кибермақон ривожланишининг олдиндан айтиб бўлмайдиган ўсиши билан боғлиқдир. Олий Мажлис Сенатининг йиғирма тўртинчи ялпи мажлисида "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, маъқулланди. (Давоми 3-бетда) ▶



9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»:

Одиллик ва адолат, ҳуқуқ ва маънавият

Тузук нима?

"Тузук" сўзининг луғавий маъноси қонун-қоидалар тўплами, низом, деган маъноларни англатади. Бошқача айтганда, тузук — конституция (лотинча "Constitution" — тузилиш, тузук), яъни давлатнинг асосий қонуни. Шу маънода "Темур тузуклари" Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлиб, Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига шариат қонунлари билан бир қаторда кучли таъсир ўтказган.

Атоқли рус олими Д.Логофет "Темур тузуклари"га Туркистонда Европадан 500 йиллар олдин вужудга келган Конституциявий кодекс, бошқача айтганда, Амир Темур салтанатининг Конституцияси, деб юксак баҳо берган. Бинобарин, мустақилликнинг дастлабки йиллари Конституциямиз лойиҳасининг муҳокамаси даврида

Асосий қонунимизни "Тузуклар" деб аташ тавсия этилгани ҳам бежиз эмас.

Амир Темурнинг давлат бошқаруви тизими

Соҳибқирон илгариги даврлардан фарқли ҳолда, жамятдаги барча табақаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини инobatга олиб, уларнинг ҳаёти учун зарур ижтимоий заминни вужудга келтирган. Ҳар бир тоифанинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ўзига хос қонун билан кафолатлаб қўйилган.

Амир Темурнинг улкан хизматларидан яна бири давлат бошқарувини ташкил қилиш билан боғлиқ. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижроия тармоқларига бўлинишига асосланган мазкур тизимни жорий этишда Амир Темур кўр-кўрона эмас, балки ўзи яшаб турган воқеликни назарда тутган ҳолда иш юритган.

(Давоми 4-бетда) ▶

ОДИЛ ВА МУСТАҚИЛ СУД — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙДЕВОРИ

(Академик Акмал Саидов билан иккинчи суҳбат: судларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш йўлида)



— Одил судлов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда далиллар мақбуллиги ҳам ўта муҳим экани ислохотлар асносида нечоғлиқ эътиборга олинди?

— Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 ноябрдаги "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони далиллар мақбуллиги масаласини аниқлаштиришда принципа-ал қадам бўлди.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддасига 2018 йил 4 апрелда далилларнинг мақбул эмаслигига оид янги нормалар киритилди.

Эндиликда агар далиллар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқла-

рини чеклаш йўли билан ёхуд Жиноят-процессуал кодексининг талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан:

биринчидан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайринисоний ёки кадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

иккинчидан, уларни сохталаштириш ё қалбакилаштириш йўли билан;

учинчидан, ҳимояга бўлган ҳуқуқларни, шунингдек, таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда; **тўртинчидан**, жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

бешинчидан, номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;



Акмал САИДОВ, академик

олтинчидан, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатмаларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Парламент фаолияти



Қонунчиликдаги янгилликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

Маъмурий жавобгарликка тортишга ваколатли бўлган орган ва мансабдор шахслар тоифаси мақбуллаштирилди

Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасида "Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексни тасдиқлаш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишнинг процессуал тартиби та-

комиллаштирилмоқда. Яъни процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқбузарликни содда-лаштирилган тартибда кўриб чиқиш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузишга ваколатли бўлган орган ва мансабдор шахслар тоифаси мақбуллаштирилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун талаби

Панд берган ўзбошимчалик

Маълумки, ҳуқуқий саводхонлик, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, зарур ҳолларда ўз манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, тегишли идораларга мурожаат қилиши, айни вақтда, бурч ва мажбуриятларини тўлиқ адо этиши жамятда қонуностиорлигини таъминлашнинг муҳим шарти саналади. Чунинчи, қонунни ҳурмат қилиш, белгиланган тартиб-қоидалар доирасида фаолият юритиш барчага бирдек тегишлидир. Бинобарин, ҳуқуқий-демократик давлатда қонун барчага баробар тамойил амал қилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

ОДИЛ ВА МУСТАКИЛ СУД — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙДЕВОРИ

(Академик Акмал Саидов билан иккинчи сўхбат:
судларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш йўлида)

◀ (Бошланиши 1-бетда)

— Далиллар мақбуллиги таъминининг натижадорлиги қандай?

— Сўнгги беш йилда 36 минг 723 нафар шахсга нисбатан асосиз қўйилган айблов чиқарилган бўлиб, шундан 3 минг 702 нафар шахс оқланган. Бу кўрсаткичлар 2021 йилда янада яхшиланган.

Яъни асосиз қўйилган айблов чиқарилган шахслар сони 10 минг 115 нафар экани аниқланиб, шундан 932 нафари оқланишига эришилган.

Суд процессида тортишувлик принципини ҳамда тарафларнинг тенглигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этилган Президент Мурожаатномасида адолатли ва қонуний қарорларни қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш масаласи кун тартибига қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада таъминлаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида ҳам айни шу масалага доир муҳим вазифалар белгиланди.

Фармон ижроси доирасида, авваломбор, суд процессида тортишувлик принципини ҳамда тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида судланувчи, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари томонидан кассация тартибиде берилган шикоятнинг мақоми прокурорнинг протести билан тенглаштирилди. Шу билан бирга, барча кодексларга тегишли ўзгаришлар киритилди.

— Суд қарорлари устидан шикоятларнинг янгича мақоми хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Суд қарорлари юзасидан шикоят қилиш босқичлари чуқур ислоҳ қилинди. Авваллари туман судининг ҳукми 7, вилоят судининг ҳукми 6, Олий суднинг ҳукми 5 та босқичда кўриб чиқилган. Ҳозирги ҳолатда ушбу кўрсаткич барча суд инстанцияларида бир хил, яъни 3 тани ташкил этмоқда.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, жазони ўташ жойларида шикоятлар келиши йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди. Бу борада, айниқса, иккита муҳим натижага эришилди.

Биринчидан, илгари маҳкум ёки унинг адвокатининг кассация шикояти Олий суднинг судьяси томонидан ажра тартибда ўрганилган кейин протест киритилган тақдирдагина судлов ҳайъатида қўрилган.

Эндиликда судланган шахс томонидан кассация тартибда берилган шикоятнинг мақоми прокурорнинг протести билан тенглаштирилди. Бу, ўз навбатида, суд процессида тортишувлик принципини ҳамда тарафларнинг тенглигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, илгари берилган шикоятга нисбатан бир қанча талаблар мавжуд эди. Жумладан, барча суд қарорлари ва жавоб хатларини, маҳкумга жазони ижро этиш муассасаси томонидан берилган тавсияномалар, соғлиги ҳақидаги маълумотнома каби ҳужжатлар тақдим этилмас, бундай ҳолат шикоятни кўрмасдан қайтаришга асос бўлган.

Ҳозирда қонунчилик киритилган ўзгаришларга асосан, шикоят қилувчи томонидан судга

қақатгина шикоятнинг ўзи берилиши кифоядир.

— Сўнгги йилларда судларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Жамоатчилик ва матбуот учун эшиклар кенг очилди. Шу ҳақдаги ўз қузатишларининг газетхонлар билан баҳам кўрсангиз?

— Илгари оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлари ва кенг жамоатчилик вакиллари судга киритилмаган. Эндиликда уларнинг судларда эмин-эркин иштироки этиши таъминланмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада таъминлаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси доирасида:

биринчидан, судларнинг фаолияти юзасидан турли брифинг, матбуот анжумани ва учрашувлар ўтказиш;

иккинчидан, жамоатчилик эътиборига тушган ишлар судларда қўрилишида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокини таъминлаш;

учинчидан, суд тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, суд фаолиятига дахлдор ахборотлар, воқеаликлар, турли маълумотларни онлайн режимда жойлаштириш;

тўртинчидан, телеграм-бот каналлар очиб, унда аҳолига суд фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш орқали аҳолининг судларга мурожаат қилиш имкониятлари кенгайтирилди.

Айни йўналишда Олий суд Пленумининг "Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Шу асосда қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшитирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтирилиши амалиёти жорий этилди. Судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш, суд ишларини апелляция ва кассация тартибиде кўриб чиқиш амалиёти обзорларини эълон қилиш йўлга қўйилди.

2021 йилда Олий суд томонидан 15 та матбуот анжумани ташкил этилган бўлса, вилоят судлари томонидан 51 та брифинг ўтказилган. Оммавий ахборот воситаларида йил давомида 15 минг 128 та ҳуқуқий тушунтириш ва судлар фаолиятига оид материаллар бериб берилган.

— Бу жараёнда судлар фаолиятини рақамлаштириш ва "Электрон одил судлов" тизими қандай ўрин тутмоқда?

— Мамлакатимиз ҳаётининг бошқа соҳалари каби суд тизими фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бу соҳани изчил ривожлантириш жуда зарур. Бу, жумладан, фуқароларнинг судга мурожаат қилиш имкониятлари кенгайтиришида жуда кўл келади.

Давлатимиз раҳбарининг "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан фуқароларнинг судларга мурожаат қилиш ва суд мажлисида иштирок этиш соҳасида одил судловга эришиш даражаси янада

қулайлаштирилди. Шу мақсадда: **биринчидан**, фуқаро ва тадбиркорлар масофадан туриб судларга электрон шаклда мурожаат қилиш ва суд ҳужжатларини шу тартибда олиш;

иккинчидан, фуқарони овоза қилмаган ҳолда судья томонидан ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали иш учун зарур ҳужжатларни онлайн тарзда олиш;

учинчидан, дунёнинг исталган нуқтасидан туриб суд мажлисида мобил видеоқонференцалоқа тизими орқали иштирок этиш;

тўртинчидан, суд қарорларини иштирокчиларга инсон омилсиз онлайн тақдим этиш;

бешинчидан, фуқаро судларда ишларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда қузатиб боришига шароит яратиш;

олтинчидан, Олий суднинг Интерактив хизматлар портали орқали фуқаро суд биносига ташир буюрмасдан туриб низоосини масофадан ҳал қила олишига тааллуқли муҳим тартиблар жорий этилди.

Бу ўринда 2018 йилда "Е-XSUD" ягона марказлаштирилган ахборот тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш зарур. Чунки бунинг натижасида:

● ишларнинг ўз вақтида кўрилиши устидан онлайн мониторинг юритиш;

● судларда иш юритишни тўлиқ электронлаштириш;

● иш юритиш самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш;

● маълумотларни тизимлаштириш ва онлайн ҳисобини юритиш йўлга қўйилди.

2018 йил декабридан суд қарорлари Интернет тармоғида эълон қилинмоқда. Ҳозирга қадар қарий 2 миллион суд қарори шу тармоқда эълон қилинган.

2019 йил январидан Олий суднинг Интерактив хизматлар портали ишга тушди. Бу ерда 48 турдаги электрон хизмат кўрсатилмоқда.

Биргина электрон мурожаат қилиш шаклини мисол келтирадиган бўлса, 2021 йилда 412 минг 265 та электрон мурожаат келиб тушган. Бу жами мурожаатларнинг қарий ярмини (49,5 фоиз) ташкил этади.

2019 йил май ойидан "Электрон тўлов тизими" жорий этилди. У суд харажатларини онлайн тўлаш имконини бермоқда.

Ўз навбатида, 2021 йил октябрдан суд хабарномаларини электрон тақдим этишга ўтилгани муносабати билан суд мажлиси санаси ва вақти ҳақидаги суд чакриву қозғаларини онлайн тарзда олиш мумкин бўлмоқда.

Ижро варақаларини электрон шаклда ижрога юбориш тартиби татбиқ этилди. Бу эса меҳнат сарфини 9 баробаргача қисқартириш имконини бермоқда.

Ишларни судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимлаш модули ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, ишларни холислик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида инсон омилсиз тақсимлашга кенг йўл очди.

Судларда ишларни электрон кўринишида шакллантиришга ўтилди. Натижада айни соҳадаги меҳнат сарфи 5 баробаргача қисқартирилди.

Давро аризаси ва ариза намуналарининг электрон шакллари ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида Олий суд порталига жойлаштирилди. Натижада адвокатлик хизматлари учун сарфланадиган маблағлар тежалмоқда.

2020 йил октябрида судлар фаолиятига мобил видеоқонференцалоқа тизими жорий этилди. "Видеоқонференцалоқа" орқали суд иштирокчилари дунёнинг истал-

ган нуқтасидан туриб, судда иштирок этиши мумкин. Видеоқонференцалоқа тизимининг самарадорлиги ҳақида тўхталганда, ҳозиргача 401 та суд видеоқонференцалоқа билан таъминлангани 41 минг 620 та суд мажлисини видеоқонференцалоқа ёрдамида ўтказиш имконини берганини таъкидлаш даркор.

Бугунги кунда судларнинг инфратузилмаси изчил ривожлантирилиб, барча судлар оптик толали алоқа тармоғи билан қамраб олинган. Давлат ташкилотлари билан идораларо электрон ҳамкорликни таъминлаш борасида 28 та давлат ташкилотининг 38 та ахборот тизими билан тўлиқ равишда маълумотлар алмашинуви рақамли технологияга ўтказилди.

Бундай рақамлаштириш тадбирлари аллақачон ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ўзаро маълумот олишга сарфланган 25 кунгача бўлган муддатни сонияларгача камайитиришга эришилди. Судларда меҳнат сарфи 10 баробарга қисқарди.

Шу жумладан, суд ва ички ишлар идоралари ўртасида электрон ҳамкорлик ўрнатилди. Бундай ҳамкорлик тўғрисида маълумотларнинг онлайн тарзда марказлашган ҳолда назорат қилиниши таъминланмоқда.

2021 йил сентябрь ойидан профилактика инспекторларининг масофадан туриб судда иштирок этиши йўлга қўйилди. Бундай тартибнинг қулай жиҳатлари шундаки:

биринчидан, "Электрон маъмурий баённома" тузилди;

иккинчидан, "Электрон маъмурий иш" яратилди;

учинчидан, суд мажлиси мобил видеоқонференцалоқа режимида ўтказилади;

тўртинчидан, суд қарори электрон шаклда юборилади.

Бунга қадар, яъни 2020 йил октябр ойида маҳбусларнинг суд мажлисларида масофадан туриб иштирокини таъминлашга ўтилган. Бу ўзгариш меҳнат сарфини 5 баробар қисқартирди.

— Мамлакат суд тизимида амалга оширилган шиддатли ва қамровдор ислохотлар қандай натижалар бермоқда?

— Бу ўринда, давлатда, жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятига доир айрим муҳим далил ва рақамларга тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқич судлари томонидан 2001-2018 йилларда 1 миллион 232 минг 836 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари кўрилган. Кейинги уч йил — 2019-2021 йилларда бу кўрсаткич мунтазам кўпайиб борган. Вилоят судлари томонидан худди шу даврда 234 минг 858 нафар шахсга нисбатан ишлар кўрилган бўлиб, 2021 йилда бу кўрсаткич олдинги йиллардагига нисбатан кескин ошган.

Биринчи босқичда кўрилган ҳуқуқбузарлик ишлари ва материаллар 2019 йилда 438 минг 456 та, 2020 йилда 390 минг 125 та, 2021 йилда 475 минг 517 та ташкил этган. Бу ўринда ҳам сўнгги йилнинг кўрсаткичлари анча ошгани қузатилади.

Биринчи инстанция судларида:

● 2021 йилда кўрилган жиноят ишлари 2019 йилга нисбатан 65 фоизга, 2020 йилга нисбатан 57 фоизга ошган;

● 2021 йилда ҳуқуқбузарлик ишлари 2019 йилга нисбатан 4 фоизга, 2020 йилга нисбатан 26 фоизга ошган;

● 2021 йилда кўрилган жиноят иши материаллари 2019 йилга нисбатан 12 фоизга, 2020 йилга нисбатан 23 фоизга ошган;

● 2021 йилда кўрилган ху-

қуқбузарлик иши материаллари 2019 йилга нисбатан 82 фоизга ошган, 2020 йилга нисбатан 4 фоизга камайган.

Вилоят судлари томонидан бир кунда апелляция инстанциясига тайинланган ишлар сони жиноят ишлари бўйича 20-85 тани, ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича 70-92 тани ташкил этган. Эътибор беринг: 2022 йил 21-25 февраль кунлари 1 минг 255 та иш тайинланган.

Ўтган йили мамлакат суд тизимида "Юздан ортиқ иш кўрган судьялар" тушунчаси ҳам шаклланиб улгурди. Хусусан, жиноят ишлари бўйича судларда 298 нафар (жами судьяларнинг 85 фоизи), фуқаролик ишлари бўйича судларда 241 нафар (жами судьяларнинг 90 фоизи), иқтисодий судларда — 53 нафар (жами судьяларнинг 38 фоизи) судья юзтадан ортиқ ишни кўрган.

Олий судда 2001-2017 йилларда жами 4 минг 73 нафар шахсга нисбатан ишлар кўрилган. Биргина 2021 йилнинг ўзида эса бу кўрсаткич 7 минг 884 нафарга етган.

Яна бир муҳим кўрсаткич: 2001-2017 йилларда Олий судда танлов асосида кўрилган ишларнинг 27 фоизига яқиний суд қарори чиқарилган, бунда судьянинг иш юкломаси бир ойда 0,7 тани ташкил қилган.

Ўз навбатида, 2021 йилда Олий судда яқиний суд қарори чиқарилган ишлар ҳажми 80,3 фоизга етиб, судьянинг иш юкломаси бир ойда 33,1 тага кўпайган.

Кийёслаш учун: 2018-2020 йилларда Олий судда танлов асосида кўрилган ишларнинг ўртача 45 фоизига яқиний суд қарори чиқарилган. Бу даврда ҳар бир судьянинг ойлик ўртача иш юкломаси 6 тани ташкил этган.

2021 йилда жиноят ишларининг юқори босқичда қайта кўрилиши ҳолатига келса, биринчи босқичда 136 минг 469 та иш кўрилган. Шундан апелляция босқичида 10 фоиз иш қайта кўрилиб, натижада 1,2 фоиз бекор қилинган. Кассация босқичида эса, 5 фоиз иш қайта кўрилган ва шундан 1 фоиз бекор қилинган.

Ўтган йилда юқори инстанция судлари самарали фаолият олиб борганини қуйидаги омиллар ҳам таъкидлайди:

биринчидан, вилоятда апелляцияда кўрилган 11 минг 300 та ишнинг 12 фоизи Олий судда кўрилган;

иккинчидан, Олий суд раҳбарияти қабулида келиб тушган аризаларнинг 60 фоизи;

учинчидан, жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумлардан келган аризаларнинг 28 фоизи;

тўртинчидан, бевосита тарафлар шикояти ва прокурор протестларининг 6 фоизи ҳам юқори инстанция судларида кўрилган.

— Фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлар фаолиятига тааллуқли шундай аниқ маълумотларни тақдим эта оласизми?

— Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг иш ҳажми ва натижадорлиги ҳам кейинги йилларда ортиб бормоқда. Хусусан, биринчи босқичда кўрилган ишлар 2019 йилда 275 минг 129 та, 2020 йилда 288 минг 590 та, 2021 йилда 517 минг 945 тани ташкил этган.

Вилоят судларида 2019 йилда 13 минг 293 та, 2020 йилда 10 минг 490 та, 2021 йилда 13 минг 525 та иш кўрилган. Шу ишларнинг 25 фоизи бўйича Олий судга шикоят қилинган.

Олий судда 2018-2020 йилларда танлов асосида кўрилган ишларнинг ўртача 75 фоизига яқиний

суд қарорлари чиқарилган ва ҳар бир судьянинг ойлик ўртача иш юкломаси 5,4 тани ташкил этган.

Айни чоғда, 2021 йилда Олий судда кўрилган ишларнинг 95, 4 фоизи бўйича яқиний суд қарорлари чиқарилган ва ҳар бир судьянинг ойлик ўртача иш юкломаси 14,8 тага етган.

Маъмурий судларда биринчи босқичда 2019 йилда 25 минг 539 та, 2020 йилда 23 минг 253 та, 2021 йилда 23 минг 813 та иш кўрилган. Вилоят судларида кўрилган ишлар 2019 йилда 3 минг 129 та, 2020 йилда 2 минг 680 та, 2021 йилда 4 минг 79 тани ташкил этган. Олий судга шу ишларнинг 25 фоизи бўйича шикоят тушган.

2021 йилда Олий судда кўрилган ишларнинг 93 фоизи бўйича яқиний суд қарорлари чиқарилган ва ҳар бир судьянинг ойлик ўртача иш юкломаси 10,5 тани ташкил қилган.

Бинобарин, Олий судда 2018-2020 йилларда танлов асосида кўрилган ишларнинг ўртача 77,6 фоизига яқиний суд қарорлари чиқарилган ва ҳар бир судьянинг ойлик ўртача иш юкломаси 3,1 та бўлган.

Ўз навбатида, иқтисодий судларнинг биринчи босқичида кўрилган ишлар 2019 йилда 190 минг 85 та, 2020 йилда 102 минг 68 та, 2021 йилда 172 минг 662 тани ташкил этган.

Вилоят судларида 2019 йилда 4 минг 79 та, 2020 йилда 3 минг 545 та, 2021 йилда 7 минг 805 та иш кўрилган. Шу ишларнинг 17 фоизи бўйича Олий судга шикоят қилинган.

Олий судда 2018-2020 йилларда танлов асосида кўрилган ишларнинг ўртача 75,1 фоизига яқиний суд қарорлари чиқарилган ва ҳар бир судьянинг ойлик ўртача иш юкломаси 4,9 тани ташкил этган.

2021 йилда Олий судда кўрилган ишларнинг 81, 1 фоизи бўйича яқиний суд қарорлари чиқарилган ва ҳар бир судьянинг ойлик ўртача иш юкломаси 8,4 тага етган.

— Олий суд таркиби тузилmalarининг фаолиятига доир далил ва рақамларга ҳам мурожаат этиш мумкинми?

— Бу ўринда, биринчи навбатда, Олий суд раҳбарияти томонидан 2017-2021 йилларда 67 минг 801 нафар шахс қабул қилинганини қайд этиш лозим.

Хусусан, 2021 йилда 18 минг 658 нафар фуқаронинг 92,1 фоизи сайёр қабулларда, 6,4 фоизи идолада, 1,5 фоизи видеоқонференцалоқа тизими ёрдамида қабул қилинган.

Олий судга 2021 йилда портал орқали 83 минг 682 та мурожаат келиб тушган. Шундан 94 фоизи бўйича тушунтириш берилган, 5 фоизи қаноатлантирилган ва 1 фоизи тугатилган.

Олий суднинг 2017-2021 йиллардаги қонунчилик ташаббуси ва ҳуқуқий экспертиза соҳасидаги фаолиятига оид айрим рақамларни ҳам келтирамиз.

Шу даврда Олий суд томонидан қонунчилик ташаббусидан фойдаланган ҳолда 215 та қонун ҳужжати киритилган. Шунингдек, Олий суд Пленумининг 44 та қарори ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Олий суд қонун лойиҳалари бўйича беш йилда 2 минг 746 та хулоса тақдим этган. Йиллар бўйича таҳлил этганда, бў кўрсаткич 2017 йилда 314 та, 2018 йилда 374 та, 2019 йилда 628 та, 2020 йилда 575 та, 2021 йилда 855 тани ташкил этган.

Гулум Мирзо сўхбатлашди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, киберхавфсизлик — ахборот хавфсизлиги бўлими бўлиб, у шахс, жамият ва давлат манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳолатини ўрганади.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат ҳамда хусусий секторда рақамли технологиялар фаол ривожланмоқда. Инсон фаолиятининг барча соҳалари учун имтиёз ва янги имкониятлар яратилмоқда.

Шу билан бир қаторда, давлат сектори ахборот тизимлари ва ресурсларнинг барқарор ишлаши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари учун муайян эҳтимолий хатарлар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Улар давлат манфаатлари, жамият ва фуқароларнинг соғлиги ва фаровонлиги учун реал таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин.

Бундан ташқари ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар миллий қонунчиликда қисман ўз аксини топган. Амалдаги нормалар ҳам ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ҳозирги ва амалдаги глобал тенденцияларга ҳали тўлиқ мос келмайди.

Шунингдек, киберҳужумларни кузатиб бориш, улар оқибатларининг олдини олиш ва етарли даражада профилактика чораларини кўриш имконини берадиган давлат идоралари ва техник операторлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизими мавжуд эмас эди.

Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ҳолати учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган давлат ахборот-коммуникация инфратузилмаси объектлари аниқланмаган ва туркумланмаган. Бундай муҳим объектларда ахборот тизимлари ва воситаларининг хавфсизлик тизимини баҳолашнинг усул ва

услуглари ишлаб чиқилмагани.

Шунинг учун мамлакат кибермақонида киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, ушбу соҳадаги ваколатли давлат органи, унинг ҳуқуқ ва

ди, вазибалари, асосий тушунчалар, кибержиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш принциплари, йўналишлари, усуллари, масъул давлат органи ва унинг ваколатлари, киберхавфсизлик ҳодисалари бў-

лат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустақ-

■ Моҳият



Мустақкам ҳуқуқий асос

янги қонун мамлакат кибермақонида киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солади

мажбуриятларини белгилаш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати томонидан тегишли вазирилк ва идоралар билан ҳамкорликда "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ва жамоатчилик томонидан атрофлича муҳокама этилди. Билдирилган тақлифлар асосида қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилиб, қабул қилинди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган ушбу янги қонун 8 та боб ва 40 та моддадан иборат. Қонунда унинг мақса-

йича чоралар кўриш ҳамда халқроқ ҳамкорлик масалалари назарда тутилмоқда.

Янги қонуннинг мақсади мамлакатимизда киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Унинг асосий вазибалари кибермақонда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Қонунда кибержиноятчилик, кибертаҳдид, киберхавфсизлик, киберҳимоя ва киберҳужум каби тушунчалар қўлланилган. Киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари ва бу соҳадаги дав-

камлаб қўйилмоқда.

Бундан ташқари давлат органлари ва ташкилотларининг киберхавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилмоқда.

Хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари:

ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши;

ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбақлаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши; киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт.

Шунингдек, янги қонун билан киберхавфсизлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан мажбурий тартибда ёки киберхавфсизлик субъектларининг ташаббусига кўра, ўтказиш белгилаб берилмоқда.

Бундан ташқари қонунда кибержиноятчилик ҳодисаларини текшириш, чоралар кўриш, содир бўлган ҳодисалар тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар ҳам мустақкамланмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши:

биринчидан, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади;

иккинчидан, киберхавфсизликни давлат томонидан тартибга солиш, ҳуқуқий, ташкилий, илмий-техник ва меъёрий услубий таъминот тизимини такомиллаштиришга, ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахиллигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади;

учинчидан, руҳсатсиз ҳаракатлар, ахборотни йўқ қилиш, ўзгартириш, бузиш, нусхалаш, блоклаш ва мамлакатнинг ахборот тизимлари ва тармоқларига ноқонуний ара-лашининг бошқа шакллари-нинг олди олинишига хизмат қилади.

Кутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қизгин муҳокамалар давомида маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан иш юритиш тизимини янада такомиллаштириш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштиришга қаратилган нормалар атрофлича муҳокама қилинди. Айрим моддалар депутатлар томонидан берилган тақлифлардан келиб чиқиб, маромига етказилди, айримлари лойиҳадан чиқарилди.

Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказишнинг қонуний асоси кучайтирилмоқда

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасида "Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш фаолиятини халқроқ стандартлар асосида ташкил этиш ҳамда аккредитация натижалари халқроқ даражада тан олиншига эришиш учун қонуний асос яратишни назарда тутди.

Қонун лойиҳасида Вазирлар Маҳкамаси, аккредитация соҳасидаги давлат бошқаруви органининг ваколатлари ҳамда аккредитация органи фаолиятининг шартлари белгилаб берилмоқда.

Таъкидланганидек, амалдаги "Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги ва "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонунларда аккредитация жараёнларида манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиб, бетарафлик ва ҳолисликни таъминлашнинг қонуний асослари яратилмаган.

Соҳадаги манфаатдор идораларнинг вазифа ва ваколатлари тўлиқ очиб берилмагани ҳамда аккредитация органи ваколатлари чеклаб қўйилгани сабабли аккреди-

тация натижаларини халқроқ даражада тан олиш имконини бермайди.

Муҳокама қилинаётган ушбу қонун лойиҳаси умумий қоидалар, аккредитация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, миллий аккредитация тизими, аккредитация органи, аккредитацияни ўтказиш тартиби ва яқунловчи қоидаларни ўз ичига олади.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аккредитация фаолиятини такомиллаштириш ва халқроқ стандартлар талабларига ўйгунлаштириш, ҳолислиги ва бетарафлигини таъминлаш билан бирга аккредитация натижаларини халқроқ майдонда эътироф этилишига эришилади.

Бу ўз навбатида, маҳаллий махсулотларни экспорт қилишда юзага келиши мумкин бўлган техник тўсиқларни бартараф этган ҳолда мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини топишига имконият яратади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар ўртага ташланиб, олимлар, экспертлар, мутахассислар томонидан муҳим тақлифлар билдирилди.

Айни пайтда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказишнинг яхлит тизими яратилади

Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасида соҳага оид тушунчалар, ваколатли органлар, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш, маълумотлар тақдим этиш тартиби, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш, низоларни судгача ҳал этиш каби бир қатор нормалар ўз аксини топмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги мавжуд тартиботлар, ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар, жараёнларнинг хусусиятларини умумлаштириб, тўғридан-тўғри амал қилувчи ягона қонун шаклига келтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда ваколатли органлар қарори асосида кўчмас мулкка таъқиқ қўйилганда, бу ҳақда ҳуқуқ эгаларини хабардор қилиш, айниқса, юзага келадиган низоларни судгача ҳал қилиш механизминини лойиҳада акс эттириш ҳам депутатлар диққат марказида бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

Жиноят ва жазо

БЕБОВ КҲҲҲ

ҚАЙНОНАСИ ВА ХОТИНИГА «ХУНАР» КЎРСАТДИ

Қўштепа туманининг "Соҳибқор" маҳалласида яшовчи Розия Алимова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2021 йилда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрамини нишонлай олмади. Чунки ўша пайтда у олган тан жароҳати туфайли шифохонада даволанаётган эди.



Марғилон шаҳрида яшовчи Исроил Алимов 2010 йилда Розия билан турмуш қурган пайт роппа-роса 20 ёшда эди. Бу бир қарашда уйланиш учун ўрта ёш саналса-да, аммо у ҳали турмушнинг

(Давоми 4-бетда) ▶

Қонун талаби

Панд берган ўзбошимчалик



қуқларига путур етказишдан тоймайдиган кимсалар ҳам, афсуски, учраб туради.

Масалан, Деҳқонobod тумани ҳокимлигининг 2007 йилдаги Х=466/11-сонли қарорига асосан, Рустам Махсумовга якка тартибда турар-жой қуриш учун 600 квадрат метр ер майдони ажратилади. Шунингдек, ушбу ер майдони унинг номига 2021 йил 4 майда давлат рўйхатидан қайта ўтказилади. Аммо шу тумандан яшовчи Самандар Мақсудов Р.Махсумовга тегишли ҳужжатларни тан олмасдан, турли сохта

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бирок ҳаётда бу ҳақиқатни тан олгиси келмайдиган, ўзининг манфаатларини ўйлаб, бошқаларнинг ҳақ-ху-

далиларни рўқач қилиб, ер майдонини эгаллаб олади.

Буни қарангки, мутасадди идораларнинг С.Мақсудовни инсофга қақриб, ер майдонини эгасига қайтариб бериш ҳақидаги бир неча марта ёзма ва оғзаки огоҳлантиришлари ҳам фойда бермади. Охир-оқибат ушбу ер низоси судгача етиб келди. Пировардида, суд ушбу низода масалани атрофлича ўрганиб чиқди ва С.Мақсудов ер майдонини ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олган, деган хулосага келди.

Айтиш жоизки, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 180-моддаси тўртинчи қисмида "жавобгар арз қилинган талабни тан олса ва суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади", дея қайд этилган. Шунингдек, Ер кодексининг 91 моддаси, 1-бандида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонлари гайриқо-

нуний эгаллик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харajatлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра, қайтарилиши кўрсатилган. Шу боис, суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонидан С.Мақсудов мажбурий тартибда чиқариладиган бўлди.

Дарҳақиқат, судлар қонун талабидан келиб чиқиб, фаолият юритаркан, унда ҳақиқат акс этиши муқаррар. Аслида адолат мезони ҳам моҳиятан шунга қаратилган. Шундай экан, ҳар бир киши қонун талабларига амал қилса, ортиқча оворагарчилик ва ноҳуш ҳолатларга ўрин қолмайди. Аксинча, қонунларга нописандлик билан қараб, ўзбошимчалик йўлини туттиш ҳеч кимга ҳеч қачон наф келтирмаган.

Номир ГАДОВЕВ, фуқаролик ишлари бўйича Фузур туманлараро суди раиси АБДУНАБИ БОБОЕВОВ, "Куч — адолатда" муҳбири

Х аётда ҳар бир нарсанинг тартиб-қоида бор. Ҳамма бирдек амал қилиши керак бўлган қонунларни бузиш, ноқонуний даромад топишга уриниш жиноят ҳисобланади.

Зоминлик Ойбек Улуғмуродов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Жиззах шаҳридаги "Кўк бозор" деҳқон бозори ҳудудида жойлашган "Жиззах — Даштобод" йўналиши бўйича йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи киракаш автоматиналар турадиган жойга келганида С.Мансуров унинг йўлини тўсди.

— Бу ерда одам ташиш учун аввало мендан руҳсат олсан, — деди у. — Қатнов йўналишига киришинг учун дастлаб 300 АҚШ доллари, кейин ҳар бир қатнов учун 7 минг сўмдан берасан...

Ойбек бундай зўравонликка норозилик билдирганда, у "Агар пулни бермасанг, иккинчи бу ерга келмайдиган қилман", дея пўписага ўтди. Шундан сўнг О.Улуғмуродов Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасига С.Мансуровнинг ноқонуний ҳаракатларига чора кўришни сўраб, мурожаат қилди.

Жиноятга жазо муқаррар!

учун тўсқинлик қилмаслик эвазига товламачилик йўли билан О.Улуғмуродовдан 300 АҚШ долларини олган вақтда қўлга тушди.

Биринчи босқич суди томонидан С.Мансуровга нисбатан уч йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Яқинда Жиззах вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида С.Мансуровнинг ҳимоячиси С.Мамажоновнинг апелляция тартибидаги шикоятни кўриб чиқилди.

Ҳимоячи апелляция шикоятини С.Мансуровнинг қарамоғида вояга етмаган икки нафар фарзанди борлиги, ота-онаси ва турмуш ўртоғи ҳеч қандай ишлалмаслиги, оилада ёлғиз боқувчи экани ҳамда бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, суд ҳукмини ўзгартириб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни сўраган.

Товламачи шаҳар бедарвоза эмаслигини кеч англади



дида текширилган ишончга сазовор объектив далиллар билан тўлиқ исботланган.

Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатишни ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги белгиланган. Ушбу кодекснинг 8-моддаси талабига мувофиқ, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айб ва шахснинг ижтимоий ҳав-

филик даражасига мувофиқ бўлиши зарур.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 26-бандида озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолатларда эса, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларини содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши белгиланган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳар бир фуқаро мавжуд қонунларга қатъий амал қилиши зарур. Қонунларни бузиш, товламачилик йўли билан ноқонуний бойлик орттириш жиноятдир. Бошқача айтганда, шаҳар бедарвоза эмас. Буни товламачи С.Мансуров сингари кимсалар англаб етиши зарур.

Анвар ХОМИДОВ, Жиззах вилояти суди судьяси АБДУХАМИД ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" муҳбири

9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»: ОДИЛЛИК ВА АДОЛАТ, ХУҚУҚ ВА МАЪНАВИЯТ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Амир Темур олий давлат идораси мақомида қурултойни белгилаган. Бугунги тушунчадаги конгресс, ассамблея, мажлис, съезд кабиларга тўғри келадиган ушбу сиёсий институт бошқарув маҳкамаси ва давлат аҳамиятига молик бўлган энг асосий масалаларни ҳал этиб, унда салтанатдаги барча йирик сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳа намоёндалари иштирок этган.

Давлатни мустақамлаш, жамиятни ривожлантириш борасида ижро этувчи тизим — вазирликларнинг ўрни муҳим бўлган Амир Темур даврида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий муносабатларни тўғри йўлга қўйиб, улардан жамият манфаати йўлида фойдаланиш учун қатъий интизомга асосланган, талабчан ижроия механизми зарур эди. Соҳибқирон ана шундай тизимни яратган.

Амир Темур салтанатининг ижро этувчи тизимидаги саккиз вазирлик ва яна бир неча муассасалар молия, солиқлар, даромад ва харажатлар, мулкчилик, етиштириладиган ҳосил, чорва, яйловлар аҳоли, ободончилик, хабар ва почта, ҳарбий ва адлия соҳаларини бошқарган. Масалан, ҳарбий ишлар вазирлиги ҳарбийларга маош бериш, уларга тегишли мулкларни бошқариш, қурол-аслаҳа таъминоти, ҳарбий машқларни ташкил этиш каби вазифалар билан бир қаторда, истеъфога чиққан, урушда ярадор бўлиб, меҳнат қобилиятини йўқотганларга нафақа белгилаш каби юмушларни ҳам бажарган.

Соҳибқироннинг 12 муҳим тузуғи

Ўз навбатида, "Темур тузуқлари" асари давлатни идора қилиш усуллари, кўшинни ташкил этиш қоидалари, урушларда амалга оширилиши зарур бўл-



ган турли ҳарбий услублар сингари қатор сиёсий, ҳуқуқий, ҳарбий ва ахлоқий ғоялар ва меъёрларни ўз ичига олган.

"Темур тузуқлари"нинг марказида инсон, унинг кадр-қимматини жойига қўйиш туради. Шу маънода Соҳибқироннинг ҳуқуқий қарашларида мамлакат ишлари тузуки алоҳида аҳамиятга эгадир.

"Салтанат ишларини қонун ва қоидалар, тўра ва тузукка солиб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим", дейилган "Темур тузуқлари"да. Унда салтанат обрў-мартабасини сақлашга доир қуйидаги тўртта асосий тузук санаб ўтилган:

"**Биринчидан**, салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Мухаммад)нинг шариатида бўлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдириш асосида туздим. Салтанатим мартабасини тўра ва тузуқлар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашшига ҳеч бир кимсаннинг қурби

етмасди.

"**Иккинчидан**, сипоҳу райятни умид ва кўрқув орасида сақладим. Дўст-душманни муро-саю мадора мартабасида тутдим. Қилмишларини, айтган гапларини сабр-тоқат ва чидам билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса, шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди...

"**Учинчидан**, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, синалган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисидан қувиб юбордим.

"**Тўртинчидан**, очик юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан

узокроқда бўлишга интилдим".

"Темур тузуқлари"да давлат бошқарувининг ҳар бир соҳаси ва ҳар қайси мансаб даражаси бўйича муайян тузуқлар битилган. Амир Темур 12 та энг муҳим тузуқни ўзига шиор қилиб олган ва салтанатни тасарруфидида сақлаш учун уларга қатъий амал қилган.

Шундай қилиб, 27 мамлакатдан таркиб топган буюк салтанат асосчиси Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарагай йирик давлат арбоби, моҳир дипломат, улуг саркарда, илму маданият ҳомийси, ҳақ ва адолатнинг жасоратли яловбардори сифатида миллий давлатчиликда, ҳуқуқ ва сиёсат соҳасида ўзидан унутилмас ва барҳаёт таълимотлар, тўра-тузуқлар қолдирган.

Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари ва қонунчилик тизими бутун Темурийлар салтанатида ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз аксини топиб, улкан амалий аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Буюк Ипак йўли хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилганки, бу билан савдо-тижорат риво-

жига катта ҳисса қўшган Шарку Фарб мамлакатларини бир-бирига янада яқинлаштирган.

Қонунга асосланган тизимнинг аҳамиятини чуқур англаган Амир Темур ҳақли равишда "Куч — адолатда" деган олий меъёрни ўзига шиор қилиб олган ва ҳатто ушбу ҳикматни узук-муҳрига ўйиб ёздирган. Бу ҳақда **Ибн Арабшоҳ** шундай гувоҳлик беради: "**Темур тамгасининг нақши "Рости расти" бўлиб, бу "ҳақгўй бўлсанг, нажот топсанг"** демакдир". Соҳибқироннинг бу пурҳикмат сўзлари бугун ҳам қудратли демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун асосий йўлланма ҳисобланади.

Амир Темур асос солган буюк давлат ўзининг турли босқичларида — ҳам Турон, ҳам Хурросон, ҳам Эрон, ҳам Хиндистонда адолат меъёрларига асосланган тузум сифатида олам аҳлининг диққатини ўзига тортиб, ҳануз тарихий аҳамиятини йўқотмаган. Бугунги кунда Соҳибқироннинг суд ва қонунчилик муносабати ҳам алоҳида ўрнатилган вазифасини ўтайди. Зеро, бундан олти аср бурун Мовароуннаҳр суд тизимида ўзига хос тартиб ва қоидалар мавжуд бўлган.


Ўзбекистон истиклолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Амир Темур номи, унинг сиймоси халқимизни бирлаштириш, жиқлаштириш, иймон-оқибати бўлиш, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлаб турибди. Зеро, маънавиятимизнинг энг теран ўқ томиларида бири — улуг зот Амир Темур сиймосидир. Соҳибқирон сиймоси инсоний тарихида бизгача бўлган, биздан кейин ҳам бўладиган катта бир оламшумул воқелиқдир.

А. САИДОВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

Қизиқарли фактлар

Ҳайвон ва қушлар — гоҳида инсон ҳаётини асраб қолувчи халоскорлардир. Одамзонинг энг яқин дўстлари мушук ва итдан ташқари ёввойи ҳайвонлар ҳам муҳтож кишиларга ёрдам қилиши мумкин. Қуйида одамларни хавфли вазиятлардан қутқарган жониворлар ҳақида маълумот берамиз.



Халоскор жониворлар

Беҳаловат мушук

2007 йилнинг октябрида тун ярмида америкалик эрхотин Труди ва Грег Гай ухлаб ётишганди. "Шнауци" лақабли мушуги югуриб келиб, бекасини туртиб уйғотади. Аввалига Труди бу ҳаракатни жониворнинг ўйинқароқлигига йўяди. Бироқ мушук яна безовта бўлиб, ҳаракатини тўхтатмагач, қандайдир жиддий ҳодиса рўй берганини англаб етади. Шунда Труди эрини уйғотган. Уйни кўздан кечирган Грег ертўлада газ қувурни ёрилгани ва иншоот заҳарли хидга тўлаётганини аниқлайди. Улар дарҳол қутқарув хизматига қўнғироқ қилишади ва уйдан чиқиб кетишади.

Воқеа жойига етиб келган ўт ўчириш хизматчилари агар мушук уларни ўз вақтида уйғотмаганида уй портлаш оқибатида қўкка совурилиши мумкинлигини маълум қилишади.

Шундан сўнг Шнауци Грей-Фоллз шаҳри ҳайвонлар жамғармаси томонидан "Бинафшаранг панжа" мукофоти билан тақдирланган.

Жасур ит

2010 йилнинг 2 январь куни Канадада истиқомат қилувчи 11 ёшли Остин ўрмонда ўтин тараётганди. Унинг ёнида вафодор ва содиқ дўсти — "Фаришта" лақабли ити бўлган. Қизиги, ўша куни ит ўзини қандайдир ғайритабиий тугган — жонивор жуда безовта бўлаверган. Бу бежиз эмас экан. Ит болдан бир неча қадам нарида ҳужумга шайланаётган пума — Америка ёввойи мушугини пайқаб қолган ва дарҳол йиртиқча ташланган. Улар ўртасида қашқатқич жанг бошланганда шу яқин ўртада бўлган полициячи жасур итни бурдалашига бир баҳа қолган пумани отиб ташлаган. Вафодор ва жасур ит шу туфайли ижтимоий тармоқларда довруқ қозонган.

Меҳрибон шерлар

2005 йили Кениядаги қишлоқлардан бирида 12 ёшли қизалоқ ўғирлаб кетилган. Тахминларга кўра, уни мажбуран эрга бермоқчи бўлишган. Қизалоқ бир ҳафта яқин тутқинликда яшаган.

Энг қизиги, полиция ушбу топганида ёнида ўғирлан эмас, балки учта улкан шер бўлган. Афтидан, йиртиқ арслонлар ўлжа излашган ва тасодифан қизалоқ билан ўғирлар тўдасига дуч келишган. Жиноятчилар оқ шерларни кўргач, йилгаётган қизни ташлаб, бир зумда гоёйи бўлишган. Бироқ шерлар қизалоққа тегиш ўрнига унга ўз болаларидек муносабатда бўлишган.

Марҳаматли маймун

1996 йилнинг августидида АҚШдаги Брукфильд ҳайвонот боғида бахтсиз ҳодиса юз берди. Уч яшар болакай беш метрли тўсиқ устидан ҳайвонларни сақлаш майдончасига тушиб кетади. У ерда эса "Бинти Жуа" лақабли улкан маймун бор эди. Қаттиқ зарб билан тушган бола ҳушини йўқотади.

Ота-онаси ва томошабинлар тинчи бузилган гориланинг ҳаракатини даҳшат ичра кузатишга мажбур эди, холос. Бунга қарама-қарши ўлароқ, маймун болакайнинг олдида хотиржам яқинлашади ва уни енгилгина кўтариб, бошидаги жароҳатни кўздан кечириб бошлади. Сал вақтдан сўнг ҳайвонот боғи хизматчилари майдончага йиқилиб тушган болакайни ташқарига олиб чиқаришади. Шундан сўнг горилла жуда машҳур бўлиб кетади ва уни кўрувчилар сони кескин ошади.

Сезгир қуён

Англиялик Саймон Стеггэл ўз уйида ҳушини йўқотган. Бироқ хотини бунга эътибор бермаган. У оғир иш кунидан сўнг эрини шунчаки дам оляпти, деб ўйлаган. Аммо "Дорри" лақабли уй қуёни ахвол жиддий эканини пайқаган. У Саймоннинг устига сакраб чиқиб, ўзига келтириш учун панжаси билан урга бошлаган. Жониворнинг бу балати ҳаракатига қўзи тушган Викториа эри ухламаганини тушунган ва шифокорларни ёрдамга чақирган.

"Дорри" шундан сўнг уй қуёнларини муҳофаза қилиш жамғармаси аъзолигига сайланган.

Саховатли дельфинлар

2007 йилда калифорниялик Тодд Эндрис денгизда сузаётганда қутилмаганда унга оқ акулга ҳужум қилган. Йиртиқча унга жиддий жароҳат етказган. Кўп қон йўқотиш оқибатида Тодд умидсиз ва чорасиз ҳолда сувда чайқалиб суза бошлаган.

Худди шу фурсатда унинг ёнига дельфинлар тўдаси сузиб келган ва ўлжасига ташланаётган акулани ҳайдаб юборган. Бундан ташқари Тодднинг теваганини ўраб олиб, биргаликда қирғоққа сузишган. Дельфинларнинг саховати ва ёрдами билан Тодднинг ҳаёти сақлаб қолинган.

Сергак тўти

Америкада "Вилли Квакер" лақабли тўтиқуш икки ёшли Ханна Куускнинг томоғига нимадир тикилиб, нафаси қайтганини кўриб, шу ондаёқ қанотларини қоқиб, қичқиргани тушган. Бу пайтда Ханнанинг онаси ва энгаси ювиниши хонасида бўлган. Улар хавотирли қичқиргани эшитиб, ошхонага шошилишган ва дарҳол хавфни бартараф этишган.

Шундан сўнг "Вилли Квакер" қаҳрамонга айланиб, Халқаро Қизил хоч ташкилотининг маҳаллий филиали томонидан махсус мукофот билан тақдирланган.

Интернет материаллари асосида Хумоюн Мирзо тайёрлади.

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Яъни куёв бўлиш зўравонлик қилиб, жисмоний куч билан ўз ҳукмини ўтказишга уринса, келин ҳам гапдан қолмасди. Энг ёмони, Р.Алимованинг онаси Ўлмасой Эгамқулова қизининг оиласига аралашавериши Исроилнинг баттар жаҳлини чиқарди.

Буни қарангки, орадан 10 йил ўтиб, эр-хотин уч нафар фарзандли бўлишса-да, уларнинг ўртасидаги "ғиди-биди"лар тинмади. Утган йилнинг март ойи бошида ҳам Розия эри билан жанжаллашиб қолгани туфайли онасиникига кетиб қолганди. Аниқроғи, куёвининг бебошлигидан зада бўлган Ўлмасой она қизи ва набираларини ўз уйига олиб кетганди. Бинобарин, 2021 йил 3 март куни И.Алимов фарзандларини кўриш мақсадида қайнонасининг уйига боради. Бироқ Ў.Эгамқулова унга болаларини кўрсатмайди. Бундан ғазабланган куёв унинг кўчада — дарвоза рўпарасида қолдирилган "Нексия-3" русумли автомашинасининг давлат рақамини ечиб, олиб кетади.

Шундан сўнг Ўлмасой Эгамқулова бу ҳақида туман ички ишлар бўлимига хабар беради. Оқибатда Исроилдан транспорт воситасининг давлат рақам белгиси далилий ашё тариқасида олинади. Эртаси у кичи кеч соат 19⁰⁰ ларда у яна қизларини

Жиноят ва жазо



БЕВОШ КУЁВ ҚАЙНОНАСИ ВА ХОТИНИГА «ХУНАР» КЎРСАТДИ

сўхбатлашишига монелик қилади. Табиийки, бир кун аввал ҳам қаршиликка дуч келган И.Алимов бундан тутақиб кетади.

— Кеча онанг рухсат бермаганди. Энди сен йўлмога тўғанок бўлаясанми?! — у шундай дея хотинини аёвсиз дўппослашга тушади. Натижада Розиянинг бурун суяги синиб, мияси чайқалади.

Бу воқеадан сўнг И.Алимов салкам икки ой қорасини кўрсатмайди. Аммо апрель ойининг охирида яна кенжатоийни соғи-

ниб қолади. "Уйига борсам, қайнонам қизимни кўрсатмайди. Яхшиси, Мунисани бирор жойга олиб борса, ўшанда учрашиб, гаплашаман" деб ўйлайди у.

Дарҳақиқат, 2021 йил 29 апрель куни эрталаб Ў.Эгамқулова автомашинасида набираси М.Алимова билан Фарғона шаҳрининг Марғилон кўчасида яшовчи таниши Омина Шоматованикига меҳмонга боради. Айни шу пайтда куёви ҳам етиб келади. Натижада улар йўлақда тортишиб қоларишади. Шунда Исроил қайнонасининг юзига тарсаки туширади. Кейин унга зўрлик ишлатиб, тан жароҳати етказиши ва қўлидаги "Нексия-3" русумли

автомашинанинг калитини тортиб олади. Оқибатда автомашинани ўзлаштириш мақсади бўлмаган ҳолда олиб қочиби, уни Фарғона туманининг "Оқбилон" маҳалласи худу-

дидаги дала майдонида ташлаб кетади. Албатта, бу қилмиши туфайли И.Алимов ўша кунгидея ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинади. Натижада унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Шу ўринда яна бир гап. Ушбу жиноят ишини тергов қилиш жараёнида И.Алимовнинг яна бир қирдикори фош бўлади. Яъни у то қайнонасининг автомашинасини олиб қочганга қадар Д.Ёрқиновнинг ҳам чув туширган экан. Аниқланишича, 2021 йил

25 апрель куни Д.Ёрқинов амакиси Ф.Шокиров билан бирга Марғилон шаҳрининг "Қашқар" маҳалласида жойлашган бозорга 4 бош қорамолни сотиш учун олиб боради. У қорамолларнинг 3 бошини сотади-ю, бир бошини ҳадеганда харидор сўрайвермайди. Дўсти Умид билан бозорга борган Исроил эса, буни кузатиб турган экан. Шу боис у дарҳол Диёрнинг қўлини ушлаб, қорамолни 12.600.000 сўмга савдолашади. Лекин пулнинг 600.000 сўмини беради, холос.

— Қолганини узоғи билан бир ҳафтада оласиз, — дейди у.

— Йўқ, — дея кўнмайди Д.Ёрқинов. — Танимаган одамга насияга сотмайман.

Шунда И.Алимов бозорда ҳаммага таниш бўлган Абдумалик исмли шахсни ўртага қўйиб, молни олиб кетади. Аммо...

Аммо у молни тез орада номальум харидорга сотиб, пулини ўз эҳтиёжига сарфлаб юборади. Д.Ёрқиновга берган ваъдасини эса, буткул унутади. Хуллас, бир ҳафта муддатда пулдан дарак бўлмагач, Д.Ёрқинов унга кўнғироқ қилади. Бироқ гўшақни ҳеч ким кўтармайди. Охир-оқибат тоқати-тоқ бўлиб, фирибгарнинг уйига боради. Аммо у И.Алимовни қамоққа олинганини эшитгач, ИИБга мурожаат қилади.

Шундан сўнг И.Алимовга бу қилмиши учун ҳам

жिनоят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди уни Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми, 168-моддаси 1-қисми, 227-моддаси 1-қисми ва 267-моддаси 2-қисми "в" банди билан айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Кези келганда шунини таъкидлаш лозимки, оилавий можаро туфайли юз берган жиноятда жабрланувчи Ўлмасой Эгамқулованинг ҳам айби йўқ деб бўлмайди. Чунки у орадан ҳар қанча аччиқ гап-сўзлар ўтмасин, қизи ва куёвини муроасага келтириши, гулдек оилани сақлаб қолиш чораларини кўриши керак эди. Аксинча, калондимоғ қайнона қизини Туркияга давлатига жўнатиб юборди. Оқибатда бир эмас, 3 нафар фарзанд тирик етим бўлиб қолди.

Қолаверса, судланувчи истиқомат қилган маҳалла фуқаролар йиғини масъуларнинг лоқайдлигини ҳам кечириб бўлмайди. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсақ, лоқайдлик, калондонмоғлик ва зўравонлик инсонга ҳеч қачон фойда бермаган. Кечиримлик, бағрикенглик ва ўза-ро муроаса йўқ бўлган жойда эзгулик ҳақида гапириб ортиқча. Буни баён этилган воқеа тафсилоти ҳам яққол тасдиқлайди.

Камолиддин

РАҲИМОВ,

жиноят ишлар бўйича

Фарғона шаҳар суди судьяси

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Робохон МАХМУДОВА

Халилullo ТУРАХУЖАЕВ

Икром МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Холмуин ЕДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор

ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод

ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-415 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6810
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.